

Биз бозор иқтисодиёти ва айна пайтда асосан ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган салмоқли давлат сектори мавжуд бўлган иқтисодиёт тарафдоримиз.

Биз учун ижтимоий соҳа нафақат таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ўз ичига олади, балки транспорт, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари каби ижтимоий муҳим соҳаларни ҳам қамраб олади.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADO LAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 46 (1006) • 2014-yil, 14-noyabr, juma

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўдилар.



Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собилов олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мажлисда қайд этилганидек, бозор ислохотлари, давом этаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиқтисодий барқарорликни ҳамда мамлакат ЯИМ юқори суръат-

лар билан ўсишини таъминлашга, диверсификация қилинган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилганлиги стратегик аҳамиятга эга. Ушбу мақсадларга эришиш учун 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсад-

ли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодий ҳамда солиқ-бюджет сиёсатини янада модернизациялаш, бозор ислохотлари ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бел-

гилаб берилган устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда вазифалари асосида ишлаб чиқилган.

Муҳокама асносида келаси йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтиришдан,

солиқ солиш тизимини содда-лаштиришдан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашдан ҳамда солиқ маъмуриятчилигини тақомиллаштиришдан иборат бўлиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

2 >

## Бу менинг танловим, менинг партиям!

➤ Сайлов — 2014

Айтиш керакки, айна пайтда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган фуқароларнинг 60 фоиздан зиёдини ёшларимиз ташкил этади. Ватан тақдири, юрт келажагига дахлдорлик туйғуси ёшларимизни ташаббускорликка, яратувчанликка даъват этмоқда. Хўш, эртамиз ишончи бўлган ёшларимиз муҳим сиёсий жараёнлар олдида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар ҳақида қандай тасаввурга эга? Уларнинг овози жамиятимиз, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшувчи катта куч эканини англаяптиларми?

3 >

➤ Муносабат

## Табрик

қалбимизни фахрифтхорга тўлдирди

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг соҳа ходимларига йўллаган табриги қалбимизни фахрифтхорга тўлдирди. Тўғриси, шу соҳа вакили эканлигимдан ғурурланиб кетдим. Тан олиш керак, сўнгги йигирма йил давомида Ўзбекистон темир йўллари Юртбошимиз бошчилигида олиб борилган ислохотлар туфайли яхлит тизим сифатида юксак тараққиёт йўлини босиб ўтди.

2 >

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига

**36** кун қолди

## ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИНИ МУНОСИБ БАҲОЛАМОҚДА

2014 йил 4 ноябрь куни нуфузли «Legatum» халқаро институти (Буюк Британия) ҳар йили янгиланиб борадиган Дунё мамлакатларининг фаровонлик индексини эълон қилди. Бу индекс дунёнинг 142 мамлакати, ер юзи аҳолисининг 96 фоизини ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 99 фоизини қамраб олган.

2 >

➤ Таҳририят меҳмони

Гавҳар АЛИМОВА:

## «Ҳеч бир фарзанд эътиборсиз қолмайдиган юрт»



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамияти шаклланишининг асосини ташкил этади,

деб ҳисоблайди. Партия дастурий мақсад ва вазифалари тарғиботини бевосита маҳаллаларда амалга ошириши ҳам бежиз эмас. Зеро, халқаро ҳамжамият томонидан

ноёб тузилма сифатида тан олинган ушбу масканда ҳар бир учрашув, тадбирлар самимий руҳда ва икки томонлама мулоқот тарзида ўтказилиши партия ҳамда электорат уртасидаги масофани яқинлаштиришда, аҳолининг партияга нисбатан ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, маҳалла институти билан ижтимоий ҳамкорлик асосида ўрнатилган мустаҳкам алоқа ҳамда жамоатчилик назорати халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга ёрдам бериши амалиётда кузатилган.

5 >

Сайловда биринчи марта овоз бераман

3

Муҳим синовга мустаҳкам ишонч билан

6

Эбола: вакцина бор эди, аммо...

7

## Дилда юксак туйғулар билан

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарор нафақат ижодкорлар, балки бутун халқимиз қалбини тўлқинлантириб юборди. Атоқли шоирамизнинг бетакрор шеърини аср оша дилларни мафтун этмоқда, инсоний туйғуларни қадрлашга ундаб, халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Зулфия ижодида бағишланган адабий-бадий кечалар, таълим масканларида зулфиячи қизлар иштирокида мунтазам ўтказиб келинаётган учрашувлар, мушоираларга ҳам шоиранинг Ватан меҳр-муҳаббатига йўғрилган ёрқин шеърини кўтаринки руҳ бағишлаши бежиз эмас.



Дилбар ХОЛЖИГИТОВА, таэквондо (ITF) бўйича 9 карра Ўзбекистон чемпиони, икки карра Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, «Адолат» СДП аъзоси


Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга ўз истеъдодларини намоён этишлари учун барча имкониятлар яратилган. Президентимизнинг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони га мувофиқ, фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат, спорт соҳаларида изланаётган, аъло ўқиши, фаоллиги билан тенгдошларига намуна бўлаётган кўплаб иқтидорли қизларнинг ушбу юксак мукофот билан тақдирланиб, зулфиячи қизлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин ифодасидир, бугунги кунда 212 нафар истеъдод соҳибаси ушбу мукофотга сазовор бўлишган.

3 >



# Сайловда биринчи марта овоз бераман

Сайлов демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси, ҳалқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини ифода этиши, давлат ва жамият ишларидаги иштирокининг муҳим шакли ҳисобланади. Бу йил мен ҳам мамлакатимиздаги бошқа тенгдошларим сингари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда биринчи марта овоз бераман.



«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида: «Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунидан 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар», деб белгиланган. Демак, биз, ёшларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқимиз қонун билан мустаҳкамланган ва биз унга, албатта, риоя қилишимиз, ўз фуқаролик бурчимизни фаоллик, ғайрат-шижоат ҳамда юксак масъулият билан адо этишимиз лозим.

Зеро, сайловчилар манфаатларидан келиб чиқиб қонунлар қабул қилиниши, ижро ҳоқимияти устидан парламент назорати амалга оширилиши, сайловчилар мувожазларини бефарқ қолдирмаслик Қонунчилик палатасига муносиб депутатнинг сайланишига боғлиқ. Шу сабабли сайловларда биз, ёшларнинг сиёсий фаоллигимиз муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Сайловдаги илк иштироким ҳаётимдаги энг қувончли дам ҳисобланиб, менда эл-юрт келажигига бўлган дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлайди.

Шунинг билан айта оламаники, биз, ёшлар жорий йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган номзодларга овоз берамиз.

**Муҳиддин НУРМАТОВ,**  
Тошкент давлат юридик университети талабаси

## Бу менинг танловим, менинг партиям!

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти кенгаши мутахассислари Фарғона политехника институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этадиган ёшларнинг сиёсий билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Мен биринчи марта сайловда қатнашаман» деб номланган тарғибот-ташвиқот мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида муҳим сиёсий жараён — сайловнинг биринчи иштирокчилари учун мутахассислар томонидан миллий қонунчилигимизга мувофиқ сайловларда иштирок этиш, ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишнинг тартиб-қоидалари ҳақида



лар эътиборига «Мен биринчи марта сайловда қатнашаман» номли видеоролик намойиш этилди.

мизда фаолият юритаётган партиялар дастурий мақсад ва вазифалари билан яқиндан танишдим. Айниқса, «Адолат» СДПнинг дастурида белгиланган адолат барча учун, иқтисодиётни ривожлантириш орқали турмуш сифатини ошириш, тиббий хизмат, инновацион таълимни ривожлантириш, ёшларнинг мамлакат тараққиётидаги иштирокини таъминлаш каби ҳалқчил ва ҳаётий ғоялари менинг қарашларимга мос бўлиб, қайси партия учун овоз бериш билан боғлиқ позициями катъий белгилаб олдим.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбирнинг дастурида партия сафида янги қабул қилинган 13 нафар талабага аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Комила ИСРОИЛОВА**



батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий ғоялари ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Иштирокчи-

**Даврон Қодиров,**  
1-босқич талабаси:  
— Бугунги тадбирда иштирок этар эканман, давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида менинг ҳам иштироким муҳим эканини англаб етдим. Мамлакатимизда

Термиз давлат университети тарих факультетида таҳсил олиш баробарида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этаман. Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси сифатида партиянинг дастурий мақсадларини тенгдошларим ўртасида тарғиб қилиш, жамиятда адолат устувор бўлишининг моҳияти қай даражада муҳим эканлигини ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилиб келаялман.



Айтиш мумкинки, бу йил мен ва тенгдошларим илк мартаба масъулиятли жараён, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда қатнашамиз. Демак, мен ҳам ўз хоҳиш-истакларимни эркин билдириш, ўз конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланган ҳолда давлат бошқарувида ўзим сайлаган вакил орқали иштирок этиш имкониятига эга бўламан. Айтиш мумкинки, сайлов ва сайланиш ҳуқуқининг моҳиятидан тортиб, сайлов жараёнлари қандай ташкил этилиши, сайлов бюллетенини қандай белгилаш бўйича муайян билимга, назарий маълумотларга эга бўлсам-да, ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг бевосита иштирокчиси бўлиш ҳисси менга катта масъулият юклашини яхши англаб турибман.

Ўйлайманки, биз, ёшлар сайловда шунчаки иштирок этиб қолмасдан, ушбу жараёнга юксак сиёсий онг ва масъулият билан ёндашимиз, ҳар бир номзод ва унинг ортида турган сиёсий партиянинг дастури билан яқиндан танишимиз, илгари сураётган ғоялари бизнинг мақсадларимиз, манфаатларимиз, хоҳиш-истакларимизга мос келадиган энг муносиб номзодларга овоз беришимиз керак. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз тараққиёти, ҳалқимиз фаровонлигига дахлдор мазкур сиёсий (бўқеликка бефарқ) бўлмаслигимиз, сайловда фаол иштирок этиб, ўз фуқаролик позициямизни намоён этмоғимиз зарур.

**Бекзод АҲМЕДОВ,**  
Термиз давлат университети талабаси

## Дилда юксак туйғулар билан

Давоми. Боши 1-бетда

Қувонарлиси, турли соҳаларда интеллектуал салоҳиятини намоён қилаётган бундай тенгдошларимиз йирик ҳалқаро анжуманлар, спорт мусобақалари, санъат фестивалларида муваффақиятли иштирок этиб, мустақил Ватанимиз довуғини янада оширишга ҳисса қўшмоқдалар.

Мазкур мукофот билан тақдирланган Зулфияхоним издошлари билим ва тафаккур салоҳиятларини, куч ва маҳоратларини кўрсатиб, бутун дунёга ўзбек қизларининг нималарга қодирлигини исботламоқдалар. Ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлод сифатида ўзлари танлаган турли соҳаларда юксак марраларни эгаллаб, давлатимиз раҳбарининг ишончини оқлашга, Зулфияхонимга муносиб издош бўлишга интилишмоқда.

Мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантириш, қизларни спортга янада кўпроқ жалб этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани туфайли спортчи қизлар сафи ортомқда. Биз ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишимиз, Ватанимиз қудратига қудрат қўшиб, эл-юртимизга наф келтирадиган ақл-заковатли, амалий таъсири беқийс.

Иқтидорли тенгдошларим қатори зулфиячи қизлар сафида эканим қалбимни ғурур ва ифтихорга тўлдириши баробарида, шундай азиз юртимизнинг фарзанди сифатида зиммамдаги масъулиятни янада чуқур ҳис қилишга тобора ундайверади. Айниқса, ҳалқаро спорт мусобақаларида иштирок этаётганимда бундай туйғулар дилимдан янада кучлироқ кечади ва менга шижоат бағишлайди. Муваффақиятга эришиб, юртимиз байроғини голиблик шохсупаларида кўтариш мен каби спортчи қизлар қалбига ғурур бериб, янада катта марраларга чорлайди.

Мен ҳам Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаоли сифатида жойларда шоира таваллудини муносиб нишонлашга доир ўтаётган тадбирлар, партияимизнинг барча даражадаги ташкилотларида мавзуга оид ўтказиладиган учрашув ва ижодий кечаларда қатнашишни, қизларнинг ижтимоий фаоллиги, масъулияти ошиши ва жамият ҳаётида ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, турли соҳалар, жумладан, спорт йўналишида ҳам оқила хотин-қиз кадрлар сафини кенгайтиришга қаратилган тарғибот ишларида астойдил иштирок этишни мақсад қилиб қўйдим.

Орзу-интилишлари ва изланишларига муносиб рағбат олаётган барча тенгдошларимиз келажакда Зулфияхоним сингари юртимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қиладилар.



## Ёш сафдошимиз давлат стипендияси соҳиблари

Ўзбекистон «Адолат» СДП ёшларга жамиятнинг муҳим қатлами ва келажак сифатида эътибор қаратади, мамлакатда янги инновацион иқтисодиёт юзага келаётган, таълим тизими тараққий топаётган, бандлик даражаси ўсаётган, соғлом турмуш тарзининг ажойиб имкониятлари яратилаётган, мустаҳкам фуқаролик позицияси шаклланиб бораётган бир шароитда соҳаётли йигит-қизларни ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида сафарбар этишни асосий мақсад, деб билади. Ушбу эзгу мақсад ижобати ўларок, бугун партия сафлари иқтидорли, сиёсий етук ёшлар ҳисобига кенгайиб бораётир.

Шаҳноза Қодирова партияимиз сафидаги илгор ёшлардан бири. У Бухоро давлат тиббиёт институти «Даволаш иши» факультетининг 7-босқич талабаси бўлиши билан бирга, институт ёшлари орасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолининг энг яхши тарғиботчиси сифатида танилган. Ёш партиядошимизнинг табобат илмини эгаллашга бўлган иштиқи, билимга чанқоқлиги, талабалар ўртасида ўзининг фаоллиги, изланувчанлиги ҳамда ташаббускорлиги сабаб жорий ўқув йилида у Ибн Сино номли давлат стипендияси совриндори бўлди.

Ёшлигидан шифокор бўлишни ният қилган Шаҳноза Қодирова ҳозир 23 ёшда. Аъло баҳоларга ўқиб келаётган ёш «адолат»чимизнинг ҳозирга қадар эришган ютуқлари таллайгина. У 1-босқичдан бўён институт «Талабалар илмий жамияти»нинг аъзоси сифатида олий ўқув юрти ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда иштирок этиб келмоқда. Шаҳноза айтиш мумкинки, ўзи таҳсил олаётган 701-гуруҳнинг сардори ва «Даволаш иши» факультетининг етакчиси ҳам ҳисобланади. — 2014 йил мен учун омадли йил бўлди. — дейди Шаҳноза.

**Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ**

# Худудий партия ташкилотларида

## Шижоатли сафдошлар — муваффақият гарови

### ➤ БПТ — партия таянчи

Хар бир сиёсий партия фаолиятида бошлангич партия ташкилотлари ва уларнинг етакчилари муҳим ўрин тутуди. Қуйидан бошланган ҳар қандай ташаббус ва ангиллик партиянинг мавқеини ошириши билан бирга унинг кучига куч, имкониятига имконият қўшади. Партия Сайловолди дастури ижросини дадил амалга ошириб, эл-юртга наф келтиришга интилаётган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Фарғона вилоятидаги бошлангич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлиги ошиб бораётгани негизда ҳам айна шу тамойил устувор аҳамиёт касб этаётир.



корликни талаб этади. Шу йўлда маслаҳат ва орзу-мақсадлари ягона партиядошлар билан бирга янгидан-янги режалар, лойиҳалар устида ишламоқдамиз.

Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бошлангич ташкилотимиз томонидан 13 мартабада турли тадбирлар, мулоқот ва суҳбатлар ташкил этилди ва уларда 500 нафардан ортиқ иштирокчилар қамраб олинди. Жорий йилнинг май ойида вилоят онкология диспансерига БПТ фаоллари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» мавзусидаги давра суҳбати ҳамда малакали тиббий кўрик ҳам партия дастурий гоёларини оммага

танитишда ўз самарасини кўрсатди. Ушбу куйи ташкилотда режалаштирилаётган янги лойиҳалар қаторига «Партиянинг муқобил энергия гоёсини татбиқ қилиш имкониятларини ўрганиш» ва «Ёшлар кичик бизнес ва тадбиркорлик сари» каби лойиҳалар киради.

— Жорий йил бошида институтимизда партия тарғибига оид давра суҳбати ўтказилди. Суҳбатда оддий иштирокчи сифатида қатнашдим, ўша кун партиянинг дастурий гоёлари ва мақсадлари менинг келажакдаги мақсадларим билан ҳамроҳликда ташкил этилган англадим, — дейди ёш партиядошимиз, 1-босқич талабаси Пахлавон Комилов. — Тадбирни ташкил этган вакиллардан партияга қай тартибда аъзо бўлиш кераклигини сўрадим. Чунки, ёш «адолат»чилар

кўксига унга ўзгача бир улғуворлик бағишлаб турган партия нишони ва партия кўтариб чиқарган электрон ҳуқуқматни жорий этиш, инновацион иқтисодиётга ўтиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби илғор гоёлари эътиборимни тортди. Мана, бугун нишон менинг ҳам кўксимда порлаб, юксак марра ва режалар сари чорлаб тургани энди бошқа тенгдошларимда ҳавас уйғотмоқда.

Дарҳақиқат, сафимизда ана шундай БПТлар сонининг кўплиги яқинлашаётган сайловда партияимиз номзодларининг муваффақияти таъминлашига умид билдиришимизга асос бўлади.

**Комила ИСРОИЛОВА,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Фарғона вилояти кенгаши  
матбуот котиби

### ➤ Давра суҳбати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига ўтказиладиган сайлов олдида Андижон вилоятида ҳам тарғибот ишлари қизғин бормоқда. Бу борада партиянинг Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан сайловда биринчи бор қатнашадиган ёш сайловчилар иштирокида ўтказилаётган тадбирлар уларнинг ташаббускорлиги ва фаоллигини кўрсатмоқда.

## Сиёсий жараённинг ёш иштирокчилари

Марҳаматлик ёшлар иштирокидаги «Биринчи мартаба сайловда қатнашаман» лойиҳаси доирасида ташкил этилган давра суҳбатида тумандаги 1992-1996 йилларда туғилган ёшлар билан бирга Марҳамат туман қурилиш ва саннат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ҳам иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши масъул ходимлари Ф.Рахимов, М.Мусаева ва ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати М.Мирзаевнинг сайлов қонунчилиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ва мажбуриятлари, ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришда ёшларнинг иштироки ҳамда сиёсий партиялар фаолияти юзасидан маърузаларини тингладилар.

— Ёш «адолат»чилар томонидан олиб борилаётган тарғибот ишлари натижасида издошларимизнинг фаоллиги ортиб бормоқда. Сафимиздаги ёшлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги янгиликларни кузатиб, бевосита ўзлари ҳам ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Голибжон Рахимов. — Бугунги тадбирда ҳам бу ўзифодасини топди. Уларнинг бўлажак сайловга катта қизиқиши билан қараётгани ва биринчи бор овоз бериш билан сиёсий жараёнларнинг иштирокчисига айланаётганига бефарқ эмаслиги бизни қувонтирмоқда.

Андижон туманидаги иқтисодиёт ва транспорт коллежида ўтказилган ана шундай тадбирда ҳам ёш «адолат»чиларнинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётгани кўзга ташланди. Тадбир давомида улар мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар, сайлов қонунчилиги ва овоз бериш тартиби юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

— Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари иштирокчисини бўлиш ҳар бир фуқаронинг конституцион ҳуқуқидир. Бу йил амалдаги қонунлардан келиб чиқиб ўтказиладиган сайловда биринчи бор овоз бериш имкониятига эга бўлаётганидан хурсандман, — дейди Андижон қишлоқ ҳўжалик институтиди БПТ фаолларидан бири, ёш сафдошимиз Сардорбек Абдухаликов. — Албатта, бу ҳар бир фуқаро зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Сабаби биз берган овоз мамлакатимизнинг эртанги кунини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шундай экан, биз энг муносиб номзодларга овоз берамиз.

Мавзу юзасидан ўтказилган виторина ва савол-жавобларда ёшлар сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганликларидан мамнунигини билдирдилар.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Андижон вилояти кенгаши матбуот котиби

# Янги қуйи ташкилот

## электорат манфаатлари ҳимоясига киришди

### ➤ БПТ нимага қодир!

Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий мақсад ва вазифаларини кенг оммага тарғиб этишда жойлардаги партиядошларимизнинг ҳиссалари катта. Жумладан, бугунги кунда карманалик «адолат»чилар партия дастурида белгиланган вазифаларни тарғиб этиш, жорий йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган сайловда ёшлар иштирокини таъминлаш, уларни партиянинг дастурий гоёлари билан яқиндан таништириш, ўз сафларини фаол аъзолар ҳисобига кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиб, янгидан-янги ташаббуслар билан чиқарганликлари диққатга сазовор.

Яқинда Кармана туманидаги «Уйрот» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Айрончи» маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар орасида «Мен ҳам сайловда овоз бераман» мавзусида давра суҳбати ташкил этилиши натижасида бошлангич партия ташкилоти сони яна биттага кўпайди. Тадбирдан кўзланган мақсад ёшларни сайлов қонунчилиги билан таништириш, сайлов тизими мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ўзгаришларнинг таркибий қисми эканлигини тушунириш, сайловнинг янада демократик руҳда ўтишини таъминлаш учун ёшларни кенгроқ жалб қилишдан иборат бўлди.

Баҳс-мунозара шаклида ўтган тадбир давомида ёшлар ва БПТ аъзоларига «Соғлом бола йили» Дав-

лат дастури ҳамда партияимиз Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросида фаол иштирок этиш, тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш, нуфузини кучайтириш учун партия фаолларидан ташаббускорлик талаб этилади. Айниқса, ҳар бир етакчи ўз атрофида фаолларни бирлаштири олиши, ишни тўғри ташкиллаштириши муваффақият омилидир. БПТ аъзолари билан биргаликда ҳудуддаги муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечими бўйича баъмаслаҳат иш олиб бориш кўзланган мақсадга етаклайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, партия гоё ва мақсадлари аҳолига, энг аввало, бошлангич партия ташкилотлари кўмағида етказилади. Куйи бўгинлар муайян бир ҳудуддаги маҳалла, қишлоқ ёки қорхона, муассаса, ташкилотлар қошида ташкил этилиши сабабли улар шу жойдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, электоратни ўйлантираётган масалалардан партиянинг юқори ташкилотларига нисбатан яхши хабардор бўлади. Шундай экан, куйи бўгинлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.


— Бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини давр талаблари даражасида ташкил этиш учун билимдонлик ва ташаббускорликнинг ўзи етарли эмас. Фақат амалий иш-

таълим сифатини ошириш, илм-фан ва таълимга янги технологияларни жалб қилиш, ёшлар бандлигини таъминлаш каби гоёларни қўллаб-қувватлаймиз.

Айтиш жоизки, партия гоёлари ни ҳаётга татбиқ этиш, куйи бўгиннинг таъсирчанлигини ошириш, нуфузини кучайтириш учун партия фаолларидан ташаббускорлик талаб этилади. Айниқса, ҳар бир етакчи ўз атрофида фаолларни бирлаштири олиши, ишни тўғри ташкиллаштириши муваффақият омилидир. БПТ аъзолари билан биргаликда ҳудуддаги муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечими бўйича баъмаслаҳат иш олиб бориш кўзланган мақсадга етаклайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, партия гоё ва мақсадлари аҳолига, энг аввало, бошлангич партия ташкилотлари кўмағида етказилади. Куйи бўгинлар муайян бир ҳудуддаги маҳалла, қишлоқ ёки қорхона, муассаса, ташкилотлар қошида ташкил этилиши сабабли улар шу жойдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, электоратни ўйлантираётган масалалардан партиянинг юқори ташкилотларига нисбатан яхши хабардор бўлади. Шундай экан, куйи бўгинлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

— Бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини давр талаблари даражасида ташкил этиш учун билимдонлик ва ташаббускорликнинг ўзи етарли эмас. Фақат амалий иш-



лар орқалигина партия гоёларини самарали тарғиб қилиш мумкин. Чунки, куйи бўгин партияни ҳалқ билан боғлайдиган, унинг гоёвий мақсадларини тарғиб қилишдаги етакчи бўғиндир, — дейди Кармана туман партия кенгаши раиси О.Туробов. — Шу мақсадда, партия ва аҳоли ўртасида узвий алоқа ўрнатиш, БПТ етакчилари орқали электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатда ва жаҳонда кеңашган сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, уларни турли ёт гоёлар таъсиридан асраш, энг муҳими, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўтган

даврида депутатлар ва партия фаоллари кўмағида 80 дан зиёд тадбирларнинг юқори савияда ўтказилганлиги сўзимиз исботидир. «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», «Ҳуқуқий демократик давлатда қонун устувор», «Ўз ҳуқуқини биласизми?», «Сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчилари», «Мен сайловда илк бор қатнашаман» каби мавзулардаги 10 минг нафарга яқин иштирокчиларни қамраган тадбирлар фуқароларимизнинг сиёсий билимларини оширишга кўмаклашди. Энг муҳими, бу тадбирлар партияимиз аъзолари ва электорат вакилларидан ислохотлар тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

2014 йил Ўзбекистон «Адолат»

СДП тизимида «Бошлангич партия ташкилоти йили» деб эълон қилинган. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган аниқ ҳаракатлар дастури бўйича ташкилий-партиявий ишларни мақсадли йўналтириш, партия ва электорат ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашда куйи бўгин ролини ошириш, аҳолини ўйлантираётган мавжуд муаммоларни ўрганиб чиқиш, уларга ечим топиш БПТлар олдида турувчи муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Куйи бўгин аъзолари мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида фуқаролар тафаккури ва сиёсий дунёқарашини кенгайтириш, бу жараёнда тарғибот-ташвиқотнинг самарали усулларидан фойдаланиш муҳим эканини яхши англамоқдалар.

Зеро, айна куйи бўгинлар партиянинг асосий бўғини сифатида мамлакатимиздаги ислохотлар моҳиятини, қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар аҳамиятини аҳоли орасида тарғиб қилади, партия аъзоларининг ҳамжиҳатлигидаги фаолиятини таъминлайди, партия дастурий мақсад ва вазифаларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида жойларда тушунириш ишларини йўлга қўяди.

Шу боис вилоятда ташаббускор ва фидойи аъзоларни бирлаштирган БПТлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Умид қиламизки, янги БПТ ҳам Навоийдаги энг фаол куйи ташкилотлар қаторида дастурий мақсад-вазифаларимиз ҳамда ҳаётбахш гоёларимизнинг амалиётда ўз аксини топишида, электоратимиз манфаатларини собитқадамлик билан ҳимоя қилишда ўз муносиб ўрнига эга бўлади.

**Содоқат ШАМСИЕВА,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби

# Муҳим синовга мустақкам ишонч билан

## ➤ Сиёсий ўқув

Марказий сайлов комиссиясига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатини тақдим этган сиёсий партиялар эндиликда бевосита ҳар бир номзоднинг ушбу муҳим имтиҳонга тайёргарлигига эътиборни кучайтирмақдалар. Зеро, номзоднинг сайловдаги муваффақияти сайловолди ташвиқотининг нечоғли самарали ташкил этилишига боғлиқ.

Хўш, эндиликда депутатликка номзодлар ўз сайлов округи ва участкаларида сайловолди ташвиқоти орқали бошқа рақобатчилари билан курашга киришиш учун нима-ларга эътибор қаратиши зарур? Сайловчилар билан учрашувлар ва ОАВда чиқишлар қандай механизмлар асосида олиб борилади?

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоднинг сайловолди тадбирлари, тарғибот ва ташвиқот ишларига тайёргарлиги ҳамда уни самарали амалга ошириш йўналишлари" мавзусида ўтказилган тўрт кунлик семинар-тренингда шу каби долзарб масалалар кун тартибидан ўрин олди.

Тадбирдан қўзланган мақсад сайловолди кампаниясида замонавий сайлов технологияларининг турли усулларини қўллаш орқали сайловчилар билан ўзаро алоқа ўрнатиш, сайлов давомида ҳаққонийлик ва ҳолисликка эътибор бериш, пиар технологияларидан самарали фойдаланиш ва бунда оммавий ахборот воситаларининг иштирокини таъминлашга қаратилди.

Семинарнинг очилиш маросимида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари С.Турсунов ва бошқалар ҳисобот даврида партиянинг 2009 йилги сайловолди дастури ижросини таъминлашда асосий эътибор мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш ва электротат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганини қайд этди. Шунингдек, жорий йилнинг 21 декабрь кўни ўтказилган сайловга қўрилаган тайёргарлик, бу жараёнда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида сўз юритилди. Сайловга ҳозирлик қилиш ва уни ўтказишда партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашилари олдида турган вазифалар, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Таъкидланганидек, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишининг асосий қўриқларидан бири бўлиб, сайлов жараёнини ҳар жиҳатдан пухта ва самарали ўтказиш муҳим саналади. Шу боис, қонунчилигимизда "Сайловолди ташвиқоти" тўшунчаси тўлиқ очиб берилгани, уни олиб бориш турлари, шакл-

лари ва усуллари, мuddатидан олдин овоз беришнинг вақти, тартиби ҳамда қоидалари белги-ланганлиги сайловолди кампаниясини тизимли ташкиллаштиришга имконият яратди.

Семинар давомида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, сайловолди кампаниясини самарали ташкил этиш, сиёсий партияларнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари қонун доирасида ташкил этилишини таъминлаш, номзод имижини, номзоднинг дебатларга тайёргарлиги ва иштироки, депутатликка номзодларнинг сайловолди платформалари билан таништириш, омма олдида чиқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим қоидалар, учрашувларда номзод ва сайловчи ўртасида узвий алоқа ўрнатишда сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари тўғрисида маърузалар тингланди.

Маърузаларда сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш, кўрсатилган номзод партиянинг гоя ҳамда мафқурасини қўллаб-қувватлайдиган, сайловолди дастури билан таниш ва уни амалга оширишга бел боғлаган, эртанги кунда партия аъзолари, электорати ҳамда хайрихоҳларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қодир, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан етуқ, тажрибали, жамиятда обрў-эътиборга эга, ташаббускор ва фаол шахс бўлиши, сайловолди ташвиқоти даврида, сайловчилар билан учрашувларда номзоднинг округдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳамда уларнинг ечимига оид масалаларни ўрганиши кераклиги алоҳида қайд этилди.

— Сайловчилар ишончини қозониш учун асосий курашга киришиш пайти яқинлашмоқда, — дейди Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей директори, партия фаоли Анваржон Шермуратов. — Партиямиз томонидан бизга ишонч билдирилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида тавсия этилган бўлсак-да, фаолиятимизга ҳақуқий баҳони 21 декабрь кўни сайловчилар беради. Ушбу рақобатга киришиш олдида ташкил этилган сиёсий ўқув биз учун айна мuddао бўлди. Унда энг аввало Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги Уставини ҳамда Сайловолди дастурининг мазмун-моҳияти бандма-банд таҳлил этилиб, шунга мос равишда номзод сифатида ўз сайловолди дастурида тизуш ҳамда унда эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалаларни ўргандик. Фуқароларни ўйлантиратган долзарб муаммоларга ечим топиш, бандликка қўмақлашиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, таълим соҳасида инновацион янгиликларни жорий қилиш, жойларда спорт тўғрақларини янада кенгайтириш каби масалаларга эътибор қаратиши-миз зарурлиги тўшунтирилди.

Бундан ташқари, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда тарқатма материалларни тайёрлаш ва тарқатиш, оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан, замонавий сайлов технологияларидан самарали фойдаланиш, сайловчилар билан икки томонлама алоқа ўрнатишга алоҳида аҳамият қаратиш, номзод қиёфасини ижобий гавдалантириш йўллари, кузатувчи, ваколатли вакил ҳамда ишончли вакиллар фаолиятини ташкил қилиш каби бир қатор масалалар юзасидан қимматли маълумотларга эга бўлди.

Семинар-тренинг якунида иштирокчиларга номзоднинг сайловолди ташвиқоти даврида фойдаланиш учун услубий қўлланмалар тақдирланди.

Феруз ЖўРАЕВ,  
«Adolat» мухбири

# Икки мингга яқин янги иш ўрни яратилди

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш борасида банк тизимининг ҳиссаси ортиб бормоқда.

ҳамда ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Марказий банкнинг Андижон вилоят Бош бошқармаси бошлиғи И.Митиллаев. — Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига

Хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва ёшларни бизнес билан шуғулланишга рағбатлантириш учун имтиёзли кредит ажратиш юртимизда фаолият юритаётган барча банкларнинг устувор йўналиши этиб белгиланган. Ёшлар ўртасида "Менинг бизнес-гоям" ва "Ёш тадбиркор — юртта мададкор" лойиҳалари остида ўтказилаётган тадбир, учрашувларда ўз бизнес-гояларини амалда қўллашлари ҳамда ўз тенгдошларини янги иш ўринлари билан таъминлашга ҳисса қўйишлари учун қўллаб-қўйишларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тақдим этилмоқда.



роқ етувчи ёшларнинг сафини кенгайтиришдан иборат бўлди. Унда соҳа мутахассислари Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги коллеж битирувчилари билан учрашиб, юртимизда давлат дастурлари доирасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, оилавий бизнес, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ҳамда тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот беришди.

— Бу каби тадбир, мулоқотлар битирувчиларнинг янги-дан-янги бизнес-гоялари, соҳа ривожига оид янги-ча тақлиф-гавсиялари билан танишиш

қўра, Андижон вилоятидаги 1 минг 790 нафар касб-хунар таълими битирувчиларига ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун 15 млрд. сўмдан ортқ имтиёзли кредитлар ажратилиб, ушбу маблағ ҳисобига 1 минг 900 дан зиёд янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Тадбир сўнггида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. 24 нафар битирувчи 564 млн. сўм миқдоридagi имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Ориф ЎЛМАСОВ

Гавҳар АЛИМОВА:

# «Ҳеч бир фарзанд эътиборсиз қолмайдиган юрт»



— Гавҳар Зоирова, маълумки, юртимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида олиб борилаётган ислохотлар натижасида маҳалланинг мақоми ошди, ваколат доираси кенгайди. Бу каби ўзгаришлар қонунчилигимизда қай даражада ўзифодасини топи?

— Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларидан ҳуқуқматимиз томонидан халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиж-мандлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашар ва бошқа қўллаб-қўрғашларни қўйиш билан маҳаллада ўтказишга одатлангани ҳисобга олиниб, унда аёна ва удумларни сақлаб қолган ҳолда унга янги-ча ва янада юксак мақом бериш мақсади илгари сурилди ва ушбу вазифалар қонунчилигимизда босқичма-босқич тарзда ўзифодасини топа бошлади.

Аллома бобоқалонимиз, тиббиёт илмининг сўлтони Ибн Сино "Уй ҳужалиги тўғрисида"ги асаридида бошқарув илми алоҳида тўхтаб қолган экан, уни инсондан жуда катта ақл, ирода ва меҳнат талаб етувчи муҳим илм, деб ҳисоблайди ва "Инсонлар жамоа бўлиб яшашлари учун ўзаро мулоқотда, турли муносабатларда бўлишлари, бир-бирларининг эҳтижларини қондириш учун хизмат қилишлари ва умумий интилиш, мақсадга эга бўлишлари лозим"лигини қайд этганлар. Буни қарангки, ушбу фикр ва мулоҳазалар нечача асрлардан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади, айни пайтда унинг янги-ча, замона талабига мослаштирилган талқини Бош Қомусимизнинг тегишли моддаларида ўз аксини топди. Хусусан, Конституциямизнинг 32-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларининг демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилиши" белгилаб қўйилди. Демак, илгари давлат субъекти ҳисобланмиш аҳоли учун маҳалла фақатгина ўзаро муносабатларни амалга ошириш маскани ҳисобланган бўлса, бугунги кунга келиб маҳалла аҳолиси давлат бошқарувида ўз вакиллари орқали фаол иштирок этиши мумкинлиги қонун билан мустаҳкамланди, бундан ташқари, маҳалла жамоатчилик назоратини амалга оширувчи маҳалла айланди. Айниқса, бу борадаги фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллашишида Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" муҳим аҳамият касб этди.

Концепцияда белгиланган мақсад ва вазифалардан кел-

либ чиқиб, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Натижада фуқаролар йиғинларига ижтимоий-иқтисодий масалалар доирасида бир қатор ваколатлар берилди. Хусусан, маҳалланинг ҳудудни комплекс ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, уларнинг санитар ҳолатини яхши-лашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш, умумий фойдаланиладиган жойларни таъмирлаш, ҳам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ишти-рийлик асосида маблағ йиғи-ши сингари ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкамланди. Умуман олганда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат бошқарувидаги ўрни ҳақида гап кетганда, қонунчилигимизда маҳаллаларнинг сайлов жараёнидаги ишти-рокига оид муносабатлар ҳам тартибга солинганлиги таъкид-ламасдан бўлмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида"ги қонуни-рини тегишли моддаларида сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сай-лов кўни овоз бериш хонала-рида ва овозларни санаб чи-қишда маҳалла йиғинидан чи-қадан кузатувчи қатнашиши мумкинлиги белгиланганидан ташқари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам халқ депутатлари туман, ша-ҳар Кенгашилари депутатлиги-га ў ёки бу партияга мансуб-лигидан қатъи назар, мамла-кат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган фуқ-ароларнинг номзод сифатида кўрсатиш ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган. Бу каби ўзга-ришлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ҳаётида тур-ган нуфузи ошганини аңглата-ди.

— "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг ижроси таъминлашида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳиссаси ҳақида нима дея оласиз?

— "Маҳалла" фонди томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳамда "Маҳалла" фонди иш режаси асосида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирибдан олдин, аввало, бола тарбияси, унинг са-ломатлиги ва билимини оши-ришга давлат сиёсати дара-жасида қаралиши дунёда кам-дан-кам кузатилишини таъ-кидлаб ўтсам. Деярли барча мамлакатларда боланинг тақ-дири учун у то вояга етунига қадар ота-онаси, ундан кейин эса фақатгина унинг ўзи жа-воб беради, масъул бўлади. Лекин бизда бир аjoyиб, уни-кал тамойил яратилганки, унда мамлакатнинг ҳар бир фар-

занди эътибордан четда қол-майди. Гап "оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкор-лигини ўзида жамлаган тамой-ий ҳақида кетаяпти. Масалан, жаҳоннинг қай бир давлатида ўқувчининг дарсга қатнаш да-вомати махсус тарғибот гу-руҳлари томонидан изчил ўрганилиб, таҳлил қилинади ва ота-оналарга бу борада тушун-тириш ишлари ўтказилади?.. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида бу борада ўтказилган ишлар натижаси ҳақида гап кетган-да, жойларда 7 миңдан ортқ тарғибот гуруҳлари томонидан 5 миңдан ортқ семинарлар ташкил этилганини таъкидлаш керак. Ёки олайлик, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва са-марали ўтказиш учун маҳалла-ларда спортнинг 20 дан ортқ турлари билан шуғулланишга шарт-шароит яратилгани сал-кам 800 миңга яқин ёш ўғил-қизларимизнинг ушбу спорт тўғрақларида қатнашишига сабаб бўлди.

Кувонарлиси, ушбу давлат дастури асосида республика-мизнинг чекка-чекка кишлоқла-ридаги ёшларимиз ҳам ҳеч қандам кам бўлмаган шарт-шароитларда спорт билан шу-ғулланишяпти. Мисол учун, биргина Богот туманидаги маҳаллаларда 30 га яқин спорт тўғраги, 32 та иждоий тўғра-роқ ва шунга ўхшаш санъат, хунармандчилик, пазандчи-лик, тикувчилик каби тўғрақ-ларда тумандаги 1000 дан зиёд ёшлар ўз вақтларини мазмунли ўтказишга муваффақ бўлишяпти. Фуқаролар йиғин-ларида "Футболимиз келажак-да", "Маҳалламиз пахлавонла-ри", "Отам, онам ва мен — спортчи оила" шиорлари ос-тида мусобақа, турнирларнинг ўтказилиши, уларда яхши на-тижаларни қўлга киритган ёшларнинг муносиб тақдирла-ниши ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш-га, ўзидаги қобилият ва ис-теъоддини кенг омма ўртасида намойиш қилиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам бер-ди.

— Аҳолини эргаштира олиш, уларга олиб борилаётган ислохотлар ҳақида хабар бериш учун, авваламбор, маҳалла етакчиларининг ўзлари етуқ салоҳият соҳиб-лари бўлиши талаб этилади.

— Тўғри айтдингиз, ҳақиқат-дан ҳам маҳалла сардори ва маслаҳатчилари халқнинг хур-мат-эътиборини қозонган, адо-латли қарор қабул қила ола-диган, кечаётган ҳар бир во-қеликка нисбатан хозиржавоб бўлишидан ташқари, сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан муқаммал билимга эга бўли-ши жуда муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, маҳалла оқсоқоли ҳудуддаги ишсизлар сонини аниқ билса-ю, лекин аҳолига, айниқса, ёшлар ва хотин-қиз-ларга тадбиркорлик қилишлари учун юртимиздаги тижорат банкларидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳақида,

уларнинг шартлари ва мuddат-лари ҳақида хабардор бўлма-са, ундай ҳолда маҳаллада иш-сизлар сони камаймасдан, ҳудуднинг иқтисодий имкония-ти, салоҳияти ошмаслиги мумкин. Шунинг учун Жамоат фонди ташаббус кўрсатиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қабул қилинган қўшма қарорлар асосида ма-ҳалла раислари ва маслаҳат-чилари учун семинар-тренинг-лар ўтказилиши одат тусига кирган. Шу билан бирга, ма-ҳалла етакчиларидан фақатти-на иш талаб қилмасдан, улар-нинг энг илғорларини рағбат-лантириш, руҳлантириш меха-низми жорий этилган. Яъни, фаолиятимиз давомида "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ма-салалари бўйича маслаҳатчи", "Энг намунали оила", "Маҳал-лам тарихини ўрганаман", "Энг намунали яраштириш комис-сияси", "Энг намунали ота-она-лар университети" сингари кўрик-танловлар йил давоми-да ташкиллаштирилмоқда.

— Сиз "Адолат" социал-демократик партиясининг фаол аъзосисиз. Айтинг-чи, нима сабабдан айна шу партияни танлагансиз?

— Маълумки, ҳозирги пайт-да социал-демократик маффу-ра марказлашган сўл қанот кучларнинг сиёсий доктрина-сини ташкил этади. Бу док-трина турли йўналишлардаги сиёсий фикрларнинг интегра-циялашувини таъминлади, кенг халқ қатламлари — ишчи-лар, зиёвчилар, тадбиркорлар, эҳтиж гуруҳлар, бошқа миллат ва конфессиялар манфаатла-рини ифодалайдиган маффура-ни яратди. Бугун ўзбек соци-ал-демократияси ўз фаолияти мазмуни, унинг вакиллари, та-рафдорлари эътиқоди билан ҳам номига монанд эканини исботлаши керак. Шу маъно-да, Ўзбекистон "Адолат" соци-ал-демократик партияси ҳар бир фуқаро давлат томонидан керакли микдорда маблағ би-лан таъминланиши, ишга жой-лаштирилиши, миллий даро-мадлари аҳолининг химоялан-маган қатламлари фойдасига тартибга солинишини кафо-латлайдиган кучга айланиши даркор.

Таъкидлаш керак, Ўзбекис-тон халқи, унинг тафаккури, онги-шуури, удумлари, орзу-умидлари мазмунидаги сиёсий нукта назардан қараганда, кўпроқ социал-демократия мафқураси тўғри келади. Бу-нинг қатор асослари ва сабаб-лари бор.

Биринчидан, социал-демо-кратия — жамиятда уч асосий гоя: эркинлик, тенглик ва иж-тимоий адолат гоялари усту-вор бўлиши учун курашади. Учала гоя ҳам ўз мазмун-мо-ҳияти билан миллий тарқиқ-ёт мафқурамиз — миллий гоямиз мақсад ва манфаатла-рига ҳамохангдир. Иккинчи-дан, социал-демократия гояси тараққийнинг "ўзбек модели" талабларига тўла мос келади. Чунки, "ўзбек модели"даги каби социал-демократия маф-қурасида ҳам кишилар меҳна-ти ва саломатлигини муҳофа-за қилиш, кафолатланган меҳ-нат ва ҳақ тўлаш минимуми қарор топтириш, оила, оналик, оталик ва болалик, ногиронлик ва кекса фуқароларни ижтимо-ий химоялаш, ижтимоий пен-сиялар ва ижтимоий химоя-лашининг бошқа кафолатлари-ни ривожлантириш сингари устувор йўналишлар белгилан-ган. Учунчидан, жамиятда иж-тимоий барқарорлиқни, мил-латлараро, конфессиялар-аро ҳамжихатлиқни, давлат институтлари ва нодавлат но-тижорат ташкилотлари ўрта-сида миллий гоя асосида ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкам-лаш тарафдори эканлиги мени шу партияга етаклади.

"Adolat" мухбири  
Соодат СОДИҚОВА  
сўхбатлашди.

# Конституция — демократик ислохотлар асоси

➤ **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 22 йиллигига**

Маълумки, Конституция инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини мустақамловчи ва кафолатловчи, шунингдек, ижтимоий тузум, бошқарув шакли ва давлат тuzилиши, ҳокимият марказий ва маҳаллий органларини ташкил этиш асосларини, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатларини белгилайдиган қонун ҳужжати, барча қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга бўлган Асосий Қонундир.



Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 69-умумтаълим мактабида ҳам Конституциямиз барча эгу орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори экани ўқувчилар онги ва қалбига дарсликлардан ташқари, ҳужжатли фильмлар, тарихий манбалар, адабиётлар ёрдамида чуқур синдирилмоқда.

ципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Конституциямизнинг энг халқчил, демократик ва ўта нуфузли Конституция тарихида жаҳондаги барча илғор ва тараққий топан давлатлар томонидан тан олинган, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқро битим ва бошқа Конвенцияларга мувофиқ деб эътироф этилиши унинг янада халқчиллигидан далолат беради.

**Нигора УМАРОВА,**  
Ширин шаҳор ФХДБ бўлими мудир

**Асқар ЁҚУБОВ (ЎЗА)** олган сурат

диклигини ифода этиб, халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига асосланган, инсонларвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустақам йўлини белгилаб берди. Асосий Қонунимизнинг ҳар бир бўлими, моддаси, бандида янгича қараш, ёндашув, гоя ва фикр ўз аксини топгани ҳолда истиқлол нафаси уфуриб турганининг гувоҳи бўламиз.

Конституцияда халқимизнинг иродаси акс эттирилган бўлиб, ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан қўриқилгани кафолатлаб қўйилган.

Инсонни эъзоллаш, манфаатларини ҳимоялаш чинакам демократик, адолатли давлатга хос хусусиятидир. Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний прин-

## Сўранг, жавоб берамиз!

— Бир танишим ўзига тегишли бўлган кўчмас мулкларини гаровга қўйиб, оилавий тадбиркорлик қилаётган эди. Ҳозирда молиявий аҳволи яхши бўлганлиги сабабли, гаровга қўйилган мол-мулкни гаров предметида чиқариб, укасига ҳадя қилиб бермоқчи. Ипотека предмети сифатида эса ўзига тегишли бошқа мол-мулкни қўймоқчи. Ипотека нарсасини алмаштириш мумкинми?

**Ж.Турсунов,**  
Норин тумани

— Мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда тасдиқланган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 131-бандига мувофиқ ипотека нарсасини алмаштириш зарурияти туғилган ҳолларда, ипотека нарсаси ипотекага олувчининг розилиги билан алмаштирилади. Нотариус ипотекага олувчининг ипотека нарсасини алмаштиришга розилиги ҳақидаги юридик шахсининг ёзма шаклдаги хабарномаси (бошқа тегишли ҳужжатлар), жисмоний шахсининг эса нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатланган аризаси асосида ипотека нарсасини алмаштириш тўғрисида битимни тасдиқлайди.

— Қўшни туманда жойлашган дала ҳовли ҳамда кўчмас мулкларимни гаровга қўйиб, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчи эдим. Ипотека шартномасини расмийлаштириш учун борсам, нотариус ўша дала ҳовли ва кўчмас мулклар жойлашган ҳудуддаги нотариал идорага муурожаат қилишимни айтди. Шу тўғрими?

**С.Абдуллаев,**  
Поп тумани

Тўғри. Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”-ги қонунининг 44-моддасида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш тартиби белгиланган бўлиб, рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар бошқа шахсга ўтказилаётган ёки гаровга қўйилаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина тасдиқланиши мумкин. Бунда мол-мулкнинг бошқа шахсга ўтказувчига ёки гаровга қўйувчига тегишлилиги ҳамда бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилади. Тақиқ мавжуд бўлган ҳолларда кўрсатилган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим фақат кредитор билан олувчи шахс қарзни олувчининг ҳисобига ўтказишга рози бўлган тақдирда тасдиқланиши мумкин.

Уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини), квартира, дала ҳовли, бог ҳовли, гараж, шунингдек, бошқа бино, иншоот ёки иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда тасдиқланади.

Саволларга Наманган шаҳор 4-сон ДНИ нотариуси **Ш.ҲАСАНОВ** жавоб берди.

— Хотиним билан 3 йил олдин ажрашганман. Ўрта-мизда 2 нафар фарзандим бор. Хотиним болаларни кўришимга йўл қўймайди. Ахир мен болаларнинг отасиман. Уларни кўришга ҳаққим борми?

**Б.Мажитов,**  
Шуманай тумани

— Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб тоғилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди. Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга. Фавқулодда вазиятларда туриб қолган бола (ушлаб туриш, қамоққа олиш, ҳибсга олиш, даволаш муассасаларида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонунда белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

Савола Қўнғирот тумани 1-сон ФХДБ бўлими мудир **А.БАБАЖАНОВА** жавоб берди.

# ҲАМТОВОҚЛАР

## ➤ **Жиноятга жазо муқаррар**

Тошкент шаҳор Олмазор туманида туғилган Ҳақимбой Сатторов ҳалол яшашни ўзига эп кўрмай, ёш бўла туриб, нафс йўлида адашган бир кимсага айланган, у бекорчиликни ўзига касб қилиб олишдан ор қилмади. Ҳали уйланмаган йигит бўлса-да, суднинг қора курсисидан икки марта ўтиришга улгурди. Аммо бу ҳолнинг бирортасидан ўзига сабоқ чиқаришни ҳаёлига ҳам келтирмади. Қинғир йўллар билан пул топиш эвазига фақат майшат қилиб юраверсам, деган бемаъни фикр унга тинчлик бермасди.

Ҳақимбой кўп ўйлади. Ахий-р, атрофига ўзига ўхшаган, текин луқманинг дарагини эшитса туролмайдиган, муқаддам судланган, лекин жазодан тегишли хулоса чиқармаган Раҳматулла Азимов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган), Достонбек Ботиралиев, Абдурасул Алиев, Мурод Акрамов, Ҳайдарали Розиков, Исмомиддин Зухуров ва Тоҳир Исмомовларни бир жойга тўплаб, бир пиёла май устида “ширин” суҳбат қурди. Ҳақимбойнинг “топармонлик” режасини баён қилди: “Ўзига тўқ хонадонларга бостириб қирамиз, пул, доллар, тилла тақинчоқларини тортиб оламиз!”

Ҳамтовоқлари унга анграйиб қарашди. Ҳақимбой янаям дадил тушунтира кетди: “Ҳа, тарвузларинг қўлтиқларингдан тушиб кетди? Бу жуда оддий-ку! Бой хонадонларни аниқлаймиз. Уй эгаларининг қачон келиб, қачон кетишини, ҳовлисига қандай кириб-чиқиш йўлларини ўрганамиз. Кейин уйқудалиқларида никоҳ қийиб, пичоқ ва шунга ўхшаш қўрқитса бўладиган нарсалар билан қуролланиб, секин кира-риб борамиз. Хонадон эгаларининг бўйнига пичоқ тираймиз, фикр этолмай қолади. Оёқ-қўлларини боғлаб ташлаймиз-у, бойликларни қаердалигини сўраймиз! Қўрқам-


оёқ-қўлларини, оғизларини боғлаш, қаршилик кўрсатганларни уриб-дўппослаш каби «арзиманган» юмушлар тушди. Х.Розиков билан И.Зухуров керакли “иш қуроллари”ни жиноий гуруҳ аъзоларига тарқатиб, улардан фойдаланиш йўлларини машқ қилдирадиган, тортиб олинган тилла буюмларнинг аслик даражасини аниқлаб, харидор топиб, сотишдан тушган пулларни АҚШ долларига айлантириб, ҳамтовоқларга тенг тақсимлайдиган бўлди. Д.Ботиралиев зиммасига “Нексия” автомашинасида гуруҳ аъзоларини нишонга олинган хонадонга элтиш, уларни кўтиб туриш ва айрилган манзилга олиб бориб қўйиш юкланди. Режалар обдон пишитилди. Тайёргарлик ипидан-игнасигача қўриб чиқилди. ...Тез орада ички ишлар

органларига бир-биридан ху-нук хабарлар кела бошлади: “Гузар бошидаги Олимжон Сўпиев хонадонига тун ярмида юзига никоҳ тугган уч нафар кимса бостириб кирган. Маълумотларга қараганда, улардан бири ҳовлига девор ошиб тушган. Сўнг шерикларига дарвозани очиб берган. Бу пайтда хонадон соҳиби Олимжон ва унинг хотини Соҳиббахон ухлаётгани боис хавфини сезмай қолган. Жиноятчилар уларни “Оғиз очсанг, нариги дунёга кетасанлар!” деб қўрқитишган. Эр-хотиннинг оёқ-қўлларини боғлаб, улардан пул ва қимматбаҳо буюмлар қаердалигини сўрашган. Аниқ маълумот олишолмагач, хонадон эгаларини калтаклашган. Сўпиевлар сўралган нарсаларнинг қаердалигини айтишга мажбур бўлган. Сўнг Олимжон Сўпиевга тегишли бўлган 12 миллион

сўм пул, 2 минг АҚШ доллари, 500 минг сўмлик эркаклар тилла узугини олиб, кўздан ғойиб бўлишган. Уларидан ҳеч қандай из қолдирилмаган”. Текин топилган пуллардан мазаҳўрак бўлган ушбу жиноий гуруҳ Юнусобод туманидаги фуқаро А.Қаҳороров хонадонидан жами 25 миллион сўмлик пул ва қимматбаҳо буюмларни, Эшонгузар маҳалласи фуқароси А.Холиқовнинг ҳовлисига кириб, аввал «Мерседес-бенц» машинасини тинтишиб, ичидан 700 АҚШ долларини олишган. Хонадонига киргач эса уйғониб қолган оила аъзоларини қўрқитиб, сейфдан 24.500 АҚШ доллари ҳамда 6 миллион 810 минг сўмлик уяли телефон аппаратурани, 49 миллион 828 минг сўмлик тилла тақинчоқларни олиб, воқеа жойидан қочиб қолган. “Никоҳ қийган кимсалар”га тун ярмида ўзига тўқ, бадавлат оилаларнинг хонадонига кириб, хонадон соҳибларига дўқ-пўписи қилиш орқали мол-мулкларини олиб кетиш пул топишнинг осон йўлидай кўринган эди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари тезкор чоралар кўришга киришди. Буни қарангки, вазвасига тушган жиноятчиларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди. Бири Жиззахдаги Айдарқўл атрофидан ўзига паноҳ топгандай бўлди, яна бири Самарқанд томонларга кетиб яширинди. Аммо қинғирликни қилиб қўйиб, энди эса уларнинг югургани... қамоқхонагача бўлди. Тез орада жиноий гуруҳ аъзолари бирин-кетин ушланди. Меҳнат қилмасдан текин бойлик топиш илжини ва ўз қилмишларининг қутқусида қолган бу кимсалар оқибатда йигитлик ёшида шу кўйга тушишди. Сўнгги пушаймондан эса наф йўқ.

**Исматулла МАМАНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси



## Ўзимизга боғлиқ

### ➤ **Ёнғин хавфсизлиги ойлиги олтидан**

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш боросидаги ишлар доимий ва самарали равишда йўлга қўйилган.

Жорий йил 20 ноябрдан бошлаб 20 декабргача республикамиз миқдасида ўтказиладиган “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги”да уюшқоқлик билан иш-тироқ этиш мақсадида корхонада қатор тадбирларни амалга оширишга киришилди. Хусусан, завод ходимлари истиқомат қилаётган турар-жойларда электр энергия таъминотида узиллишлар содир бўлмаслиги учун мутасаддилар жавобгарлиги кучайтирилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ёнғин ҳолатларидан асраш учун жамоа ходимлари хавфсизлик қоидалари билан яна бир бор таништирилди. Жумладан, ҳудудда ҳамда барча цехларда газ, электр пайвандлаш ва бошқа шу каби ишлар хавфсизлиги ходимлари билан келишилган ҳолда чора-тадбирлар олиб борилиши белгиланиб, ишлаб чиқариш чикиндилари ҳамда қолдиқ нефть маҳсулотлардан тозалаш ҳақидаги қоидаларга қатъий риоя этиш шартлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, ҳудудда ва хизмат хоналарида чекиш, оловдан фойдаланиш қатъий ман этилиши, ёнғин юз берган тақдирда қутқарув йўлақлари до-

имо тоза ва очик ҳолда бўлиши, нефть қувурлари ва агрегатларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида ишчи-хизматчиларга тушунчалар берилди. Цехларда ёнғин содир бўлган ҳолларда дарҳол ёнғин хавфсизлиги хизматининг **01, 3-01, 7-01** телефон рақамларига қўнғирқоқ қилиш ҳамда бирламчи ўт ўчириш воситаларидан фойдаланиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Ишчи-хизматчиларга ўз хонадонларидаги газ асбобларидан резина шланг орқали фойдаланмаслиги, уйдан чиқаётганда газ ва электр ускуналарини ўчиришни унутмаслиқ, энг муҳими эса ёш болаларни уйда ёнғиз қолдирмаслиқ ва уларнинг гуғурт ўйнашига йўл қўймаслиқ ҳақида уқтирилди. Дарҳақиқат, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш орқали ёнғин билан боғлиқ кутилмаган ноҳус ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

**Соҳиб ОЧИЛОВ,**  
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи электр-техник таҳлилхонаси бошлиғи

Спорт

Daily Star gazetasi xabariga kўra, Londoning "Arsenal" jamoasi Angliya terma jamoasining sobiq kapitani Deyvid Bekhэмning ўgli Бруклин билан шартнома имзолаган.

Отасининг ўгли




Хозирча 15 ёшли Бруклин Бекхэм билан шартнома мавсум охирига қадар кучга эга, ана шундан кейин ёш футболчи билан узок йиллик шартнома имзоланиши кутилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, йигитча жуда истеъдодли ўйинчи, у машгулотлар пайтида ҳам, мусобақалар жараёнида ҳам тенгдошларидан ажралиб туради. Матбуотда Бруклин Бекхэмга унинг отаси кўп йиллар тўп сурган "Манчестер Юнайтед" ҳамда Лондоннинг "Челси" жамоалари ҳам қизиқишга тўлиқ ҳақида хабарлар чоп этилди. Эслатиб ўтамиз, Бекхэмнинг яна икки ўгли — Ромео билан Круз ҳам "Арсенал" мактабида шуғулланишмоқда. Улар ҳам келажақда профессионал футболчи бўлиш истагида эканликларини билдиришган.

Жаҳон чемпионати Қатарда ўтказилмайдими?

Футбол ассоциациялари халқаро федерацияси (ФИФА) раҳбари Йозеф Блаттер 2022 йили Қатарда футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтказилишига қарши эканини маълум қилди.



Олмонияда нашр этиладиган хафталик Der Spiegel журналидаги мақолага кўра, Блаттер Норвегия футбол уюшмаси вакиллари билан учрашув чоғида қатарлик шайхларни "катта пуллари билан истаган ишни қилишлари мумкин деб ўйлайдиган такаббур одамлар", деб атаган.

Бундан ташқари, журнал мақоласида гўёки ФИФА президенти арабларни "Ислому давлати" жангари гуруҳини қўллаб-қувватлашда айблаган. Бироқ, мазкур мақола эълон қилинганидан кейин Норвегия футбол уюшмаси вакиллари мазкур мавзу юзасидан бирон-бир изоҳ беришдан бош торттишган.

Эслатиб ўтамиз, Қатарда ёзда кун иссиқ бўлишини ҳисобга олган ҳолда, ФИФА 2022 йилги жаҳон чемпионатини ноябрь ёки декабрь ойида ўтказишни режалаштирмоқда. Бу борадаги аниқ қарор 2015 йилнинг ўрталарида қабул қилинади.

ЖЧ-2018 тимсоли «ҚАЛБ» деб номланди

"Известия" газетаси хабарига кўра, 2018 йили Россияда ўтайдиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг эмблемаси "Қалб" деб номланди.



Эслатиб ўтамиз, ЖЧ-2014 бўлиб ўтган Бразилиядаги уч бармоқли панжа шаклидаги логотип "Илҳом" деган ном олганди.

ФИФА президенти Йозеф Блаттер мазкур эмблемани "Россиянинг қалби ва юрагини ифода этади", дея баҳолаган.

Эмблема дизайни Португалиянинг Brandia Central компаниясига тегишли. Дунёнинг саккиз мамлакат мутахассислари орасида қолиб чиққан компаниянинг ижод маҳсулини дастлаб 10 кишидан иборат махсус ҳайъат қўриб чиқиб, маъқуллаган эди. Рассомлар ўз олдидан Россиянинг мақсадга интилиш тилсоли сифатида коинотни танлаганикларини қайд этишган. Ишни қўриш жараёнида Россия спорт федерациясининг фахрий президенти Вячеслав Колосков: "Эмблема менга ёқди. Фақат айик етишмаяпти", деганди.

Эслатиб ўтамиз, футбол бўйича жаҳон чемпионати 2018 йилнинг 8 июнь-8 июль кунлари Россиянинг 11 та шаҳарида ўтказилади.

"Шахмат терминатори" билан ҳазиллашманг

ТАСС хабарига кўра, шахмат бўйича жаҳон чемпиони, норвегиялик Магнус Карлсен Сочи экспомарказида жойлашган робот билан бир партия дона сўриш ҳақидаги таклифни рад этган.



— Биз Карлсени бизнинг терминатор билан шахмат ўйнашга таклиф этдик, лекин у рози бўлмади, балки чўчиётгандир, — дейди шахматчи робот оператори Игорь Мойжесс.

Дарвоқе, шахмат терминатори билан истаган киши куч синиши қўриши мумкин. Бироқ, хозиргача хеч ким уни енга олмаганлиги ҳам бор гап.


Робот билан жаҳоннинг 14-чемпиони Владимир Крамник ҳам баҳслашиб қўрди. Ўйин дуранг билан якунланди.

— Ушанда Карлсен бир четда туриб, ўйинни диққат билан кузатганда, — дея қўшимча қилади Мойжесс.

Одатда "шахмат терминатори" Москвада, В.Дворкович номидаги шахмат марказида сақланади. Бироқ Сочида жаҳон чемпионлиги учун Карлсен ва ҳинд гроссмейстери Вишванатан Ананд ўртасида ўтаётган мусобақа муносабати билан у Сочида келтирилган.

Вақт ва замон оша саёҳатга тайёрмисиз?

The Telegraph газетасида чоп этилган мақолада бир гуруҳ инглиз олимлари аср охирига қадар вақт бўйлаб саёҳат, одамни кўринмас қиладиган кийим ва телепортация воқеликка айланади, дея башоратлар қилишган.



— Телепортацияни амалга ошириш учун жиддий тўсиқлар қолмапти ҳисоб. Менинг ҳисобларимга кўра, 2080 йилга бориб, худди бугунги фантастик киноларда тасвирланганидек, биз бемалол оний сониялар ичида бир жойдан бошқа жойга кўча олаемиз, — дейди Глазго университети физика ва фалакиётшунослик мактаби тадқиқотчиси доктор Мэри Жаклин Ромеро.

Вақт бўйлаб ўтмишга ёки келажаққа саёҳатга келсак, астрофизик Колин Стюартнинг сўзларига қараганда, хозирча олимлар келажаққа саёҳат қилиш мумкинлигини илмий жиҳатдан исботлаб улгурдилар. Олимнинг сўзларига кўра, коинотда узок вақт бўлган россиялик космонавт Сергей Крикалев табиат қонунарига мутаносиб равишда амалда 0,02 сонияга келажаққа саёҳат қилган.

Стюарт ўз мулоҳазалари якунида келажаққа саёҳат 2100 йилда воқеликка айланишини таъкидлаб ўтган.

Одамни кўринмасга айлантирадиган либослар эса яқин 20 йил ичида ҳаётимизга кириб келиши мумкин, деб ҳисобламоқда Лондондаги Империя коллежи профессори Крисс Филиппс.


— Биз "кўринмас одам" орзусини амалга ошириш арафасидаемиз, — дейди олим. — Хозир мавжуд технологиялар бундай кийимларни яратиш имкониятини беради, бироқ биз уларни янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдамиз.

Олимнинг фикрига кўра, замонавий 3D-принтерлар мавжуд муаммоларни тезликда ҳал қилиш учун замин яратмоқда.

EngineeringUK нотижорат ташкилоти директори вазифасини бажарувчи Пол Жексон бугунги мактаб ўқувчилари тез орада кўлаб илмий фантастик китоб ва кинолардаги лавҳалар воқеликка айланишига шохид бўлади, дея ишонч билдирмоқда. Айнан шу сабабли ҳам ўсиб келаётган авлоднинг илм-фанга қизиқишини янада ошириш, ёш олим ва муҳандисларнинг изланишларини эса рағбатлантириш лозим.

Эбола: вакцина бор эди, аммо...

Энди маълум бўлмоқдаки, Эбола эпидемиясига қарши вакцина бундан ўн йил бурун ишлаб чиқарилган экан. Аммо нима учун бунинг инсониятдо яшириб келишган?



лани муҳокама қилиб юрган хусусий New Link компаниясига тегишли.

Фақат яқиндагина Канада ҳукумати вакцинани одамларда синаб қўриш-

нинг клиник тажрибалари бошлангани эълон қилди. Агар бу иш ҳеч бўлмаса баҳорда бошланганида эди, эҳтимол минглаб одамларни қутқариб қолиш мумкин бўларди, дейишмоқда мутахассислар.


Айрим тахминларга кўра, Канада ҳукумати онгли тарзда мазкур вакцина ҳақида лом-мим демай турган: эҳтимол, Эбола вирусидан бактериологик қурол сифатида фойдаланиб қолишар... Аммо бугун минг-минглаб беғуноҳ одамлар Эболага чалиниб, уларнинг катта қисми вафот этаётган, айрим давлатларда ваҳима бошланган кейин бу вабога қарши вакцина ишлаб чиқарувчилар... жуда катта фойда олишлари мумкинлигини англаб етишди. Шу сабабли АКШ, Германия, Швейцариянинг қатор лабораторияларида вакцина клиник тажрибадан

ўтказилмоқда.

Эбола вируси бўйича эксперт, Темас университети тадқиқотчиси Томас Гейсбертнинг сўзларига қараганда, вакцинани ишга тушириш учун сайёрамизнинг тўртдан бир ҳудудини қамраб олаётган ўта хавфли эпидемия зарур бўлди. The Boston Globe газетаси эса мазкур вазиятдан келиб чиқадиган аччиқ ҳулосани баён қилган: фармацевтика компаниялари камбағал мамлакатларга ҳужум қилаётган хасталикка қарши вакциналар ишлаб чиқаришни хоҳлашмаган. Бундай маъсулиятсизларча муносабатни тушуниш қийин. Зеро, биз яшаётган глобаллашув даврида ҳар қандай вирус жуда осонлик билан сарҳаддан сарҳадга ўтиб, ҳаттоки ривожланган давлатлар фуқароларини ҳам хасталикка дучор этиши аниқ...

Сайловларда иштирок этмаганлар жазоланади

Дунёнинг кўплаб давлатлари сайлов тизимига оид қонунчилигида ушбу сиёсий тadbирда асоссиз иштирок этмаган фуқароларни жазолаш белгилаб қўйилган. Бундай кескин қонунчилик амалда бўлган мамлакатлар рўйхатида ўзларини демократик аънанага содиқ, деб ҳисоблаган мамлакатлар кўплаб топилди. Масалан, Австрия, Бельгия, Болгария, Бразилия, Греция, Миср, Люксембург, Туркия, Покистон ва бошқа давлатларда сайловда бирор сабабсиз қатнашмаган фуқаролар жазоланади. Айрим мамлакатларда бундай фуқаролар жамоатчилик танбеҳига дучор бўлади, айримларида эса фуқаро нафақат жаримага тортилиши, балки сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, қамоқ жазосига маҳкум этилиши ҳам мумкин.



Дейлик, Австралиянинг сайловга оид қонунчилигида 1924 йилдан бери сайловларда овоз бериш мажбурий йўлга қўйилган. Асоссиз қатнашмаган овоз берувчига 13 доллар атрофида жарима солинади. Жаримадан қутулиб қолиш учун сайлов комиссиясига қатнашмаганининг сабабини расман билдириши лозим. Агар овоз бермаган сайловчи жарима тўлашдан бош тортса, у ҳолда иш судга оширилиб, унга нисбатан 50 австралия доллари миқдориди жарима ҳамда сарф-харажатларни қоплаш тўғрисида ҳукм чиқарилиши мумкин. Суд қарорини

ҳам бажармаган тақдирда жамоатчилик ишларига жалб этилиш билан "сийланиши" ёки мол-мулк мусодара қилиниши ё бўлмаса 1-2 кунга қамоққа олиниши мумкин.

Лотин Америкасининг Аргентина давлати қонунчилигида сайловда иштирок этмаган фуқаро 20-200 доллар атрофида жарима тўлаши, бундан ташқари, давлат хизматида лавозим эгаллаш ҳуқуқидан ўз йилгача маҳрум этилиши чоралари амал қилади. Унга қўшни Бразилияда эса сайловда қатнашмаганлар нафақат жаримага тортилади, балки унинг сабаблари сайлов комис-

сиясига ёзма равишда билдирилиши талаб қилинади.

Бельгия қонунчилигида ҳам овоз бериш мажбурий ҳисобланиб, унга 1893 йилдан буён амал қилинади. Хусусан, асосли важларсиз сайловларда биринчи қатнашмаган овоз берувчи 50 евро, бу ҳолат такрорланган ҳолда 125 евро жарима тўлайди. Тўртинчи мартаба келмаган фуқаро сайлов ҳуқуқидан ўн йилга, давлат хизматида лавозим эгаллаш имкониятдан маҳрум бўлади.

Грецияда сайловлар пайтида овоз берувчининг мамлакатда бўлмаслиги ҳурматсизлик саналиб, у жаримадан тортиб жиддий жазо чораларига, яъни бир ойдан бир йилгача қамоқ жазосига дучор бўлиши, бундан ташқари, давлат хизматида лавозим эгаллашдан маҳрум этилиши кўзда тутилган.

Мисрда жарима миқдори 1 доллардан ошмайди, лекин сайлов участкаларига асоссиз келмаганлар учун қамоқ жазоси хавфи бор.

Люксембургда биринчи марта сайловда қатнашмаганлик учун жарима 80 доллар, иккинчисида 240 долларни ташкил қилади. Бундан ташқари, суд қарори билан у сайлов ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этилиши, айрим ҳолларда «айбдор» давлат ва муниципал хизматга, масалан, маҳаллий бюджетдан маблағ оладиган мактаб ўқитувчилигига ишга олинмаслиги мумкин.

Покистонда ҳам бирон сабабсиз сайловда иштирок этмаганлар 60 доллар жаримага тортилади, иш ёмон тус олга беш йил муддатга оғир ишларга жалб этилади.

Туркия сайлов қонунчилигида ҳам овоз беришдан бош тортганлар 14 доллар атрофида жарима тўлаши, қасддан қонунбузарлик қилганлар жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Австрия, Германия, Италия ва Кипрда ҳам овоз беришдан бўйин товлаган фуқаролар 25-70 евро жаримага тортилиши амал қилади.

Телевизор учун... олий жазо

Фақат шу йилнинг ўзида Шимолий Кореянинг элликка яқин юқори даражадаги амалдори порахўрлиги ва... Жанубий Корея сериалларини томоша қилгани учун ўлимга ҳукм қилинди.



Бу ҳақда Япониянинг Корея ярим ороли янгиликларига йўналтирилган WoWkorea инфорацион портали хабар беради. Бироқ, Farb OAB бу ҳодисани бошқачароқ талқин этиш тарафдори: мазкур жазолар бугунги кунда КХДР бошқарув аппаратида олиб борилаётган "тозалаш" жараёнининг давомидир. Маълумки, ўтган йилнинг охирида Шимолий Корея раҳбарининг тоғаси, кўп йиллар мобайнида мамлакатнинг иккинчи раҳбари ҳисобланиб келган 67 ёшли Чан Сон Тхэк ҳокимиятни ағдарилган уринишда айбланиб қатл этилган эди. Уша пайтда Чан Сон Тхэкиннинг тўғридан-тўғри мажлислар залида ҳибсга олиниш лавҳаси бутун дунё ОАВда намойиш қилинган. Шу йилнинг ёзида эса Япониянинг Sankei Shimbun газетаси Чан Сон Тхэка яқин амалдорлар

ва унинг қариндошларидан яна 200 киши фитнага дахлдорликда айбланиб қамоққа олингани хабар қилди. Газета маълумотларига қараганда, уларнинг камида ярми қатл этилган, қолганлари эса концлагерларга жўнатилган.

Шимолий Корея Халқ демократик республикасида сиёсий маҳбуслар сони аниқ эмас. Айрим маълумотларга кўра, улар 80 мингдан 120 мингга қадар бўлиши мумкин. Мана энди аён бўлмоқдаки, бу мамлакатда аввал ишонсиз фуқаролар рўйхатига кириш, сўнг концлагердан жой олиш ва ниҳоят ўлимга ҳукм қилиниш учун амалдаги давлат тузумига қарши кураш олиб бориш ҳам шарт эмас экан: бунинг учун телевизорни қўйиш ва шундоқ қўшни давлатнинг сериалларини томоша қилиш ки-фоя...

Кичкина деманг бизни...



The Independent газетасида чоп этилган мақолада Небраски университетининг Жон Хопкинс номи тиббиёт мактаби тадқиқотчилари кашф этган вирус ҳақида маълумот берилган. Қизиқ шундаки, мазкур вирус инсоннинг англаш, билиш салоҳиятига ўзининг салбий таъсирини ўткази олади.

Авваллари соғлом одамда учрамаган вирус томоқ йўлларидаги микробларни излаш жараёнида аниқланди. Энг ажабтовор томони шундаки, томоқ йўлида топилган вирус ДНКси яшил сувўлари таркибидаги вируслар ДНКси билан бир хил.

Тадқиқотда иштирок этган 90 кишининг 40 тасидан микротаначалар топилди. Бундай вирусга эга бўлган одамлар, афсуски, турли тест синовларида энг паст натижаларни кўрсатганлар.

Вирусолог доктор Роберт Йолкеннинг қайд этишича, баъзида танадаги микроорганизмлар инсоннинг ақлий салоҳиятига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

— Мазкур ҳайратомуз мисолнинг ўзиёқ бир қарашда безарардай туюладиган вируслар бизга нақадар кучли таъсир эта олишини кўрсатмоқда, — дейди профессор.

# Атиргул

➤ 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланган кун

## ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

Кўнгилда очилар Ватан деган боғ,  
Юракда юксалар ғурурнинг тоғи —  
Башар осмонида ҳилпираган чоғ  
Она-Ўзбекистон байроғи.

Кўм-кўк осмон, оқ йўл, ям-яшил Ватан,  
Янги чиққан ой ва ўн икки юлдуз,  
Қизил чизиқ — миллат томирида қон —  
Чамбарчас боғланган йил, ой, тун-кундуз

Давлат байроғи бу — эл-юрт тимсоли,  
Унда Улугбекнинг юлдузлари бор.  
Беруний, ал-Хоразмийнинг мисоли,  
Буюк тафаккурнинг илдизлари бор.

Ботир суворийлар олиб чопган туғ,  
Ёвқур боболарим кўтарган ялов.  
Соҳибқирон тузган салтанат — йўруқ,  
Муқанна ёндирган машъала, олов.

Ғурурли халқ учун, орли эл учун  
Баланд бўлиб келган ҳамиша байроқ.  
Истиқлол нуридан қамашди очун,  
Ўзбекининг юксалган байроғига боқ.

Рустам МУСУРМОН



Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎАА) олган сурат

НОЗИМАХОНИМ (1870-1925)

➤ Бир аср бурун

### МИНГ ТААССУФ

Минг таассуф, ажаб замон ўлди,  
Яхши ким эрса, ул ёмон ўлди.  
Баъзилар мойили занон ўлди,  
Баъзи эл толиби жувон ўлди.  
Дилки миллат гамида қон ўлди,  
Энди бул кун ишим фирон ўлди.

Ҳар маҳалла ичида тўрт самовар,  
Неча подон чиқиб қимор ўйнар.  
Баъзиси маст эшак каби ҳанграр,  
Ҳолимизни кўруб кулар ағёр.  
Дилки миллат гамида қон ўлди,  
Кори беҳудалар аён ўлди.

Қилди бойлар тарақлатиб тўйлар,  
Қазиларта кўюб, сўюб кўйлар.  
Буни мадҳ этдилар гаразғўйлар,  
Тўй қилганлар фақирни кам ўйлар.  
Дилки миллат гамида қон ўлди,  
Рангу рўйим куюб самон ўлди.

Айлағайлар фасоду фисқ талаб,  
Қолмади ҳам ҳаёю шарму адаб.  
Ҳама иш чаппасига кетти кулаб,  
Билсангиз Нозима эрур ҳақ талаб.  
Дилки миллат гамида қон ўлди,  
Оҳ! Эгу орзуларим қаён ўлди!

1914

➤ Ривоят

Тоғлар ортида фақат кўзи ожизлар  
Яшайдиган бир қишлоқ бор экан.  
Бир подшоҳ шавкатли лашкари билан ўтиб кетаётди,  
қишлоқ яқинида вақтинча кўниб,  
чодирларини тиклабди.

Подшоҳнинг кўшинида кўп жангларида душманларни қийратган бир жанговар фил ҳам бор экан. Филнинг овозасини эшитган кўзи ожизлар жамоаси у қандай ҳайвон эканини билиб келиш учун уч вакилини юборибди.

Вакиллар кела солиб, ҳайвоннинг турли жойларини пайпаслаб, ушлаб кўришибди. Биттаси филнинг оёғини, биттаси хартумини, биттаси қулогини ушлаб кўриб, филнинг қандайлигини билдим, деб ўйлабди.

Вакиллар ўз жамоасига қайтганида қишлоқ аҳли йиғилиб, фил нималигини тезроқ билгиси келиб, уларни савол-жавобга тутишибди.

Филнинг япалоқ катта қулогини ушлаб билган вакил:

— Фил гиламга ўхшаш, япалоқ кигизга ўхшаркан, — дебди.

Филнинг хартумини ушлагани бўлса:

— Фил — узун, эгилувчан ичкадай ичи бўш, лекин жуда кучли нарса экан, — дебди.

Ҳайвон оёғини ушлаган

вакил:

— Фил устун каби йўғон ва мустаҳкам бир нарса, — дебди.

Кўзи ожизлар ҳар бири ўзи билган қисмини айна ҳақиқат деб билиб, қатъий ишонч ҳосил қилибди. Ҳеч бири филни бус-бутун тасаввур қилолмагани сабабли, у ҳақда айна ҳақиқатни билолмабди. Чунки, ҳақиқий билимини кўзи (қалб кўзи) очикларгина билади. Илоҳий оламнинг бир бутунлигини билиш ҳам (қалб кўзи) кўрларга насиб этмайди.

М “Тиб илмини икки сатрда тўплайман: гапнинг гўзаллиги қисқалигидадир; еган вақтингда оз егин. Егандан сўнгра тўрт-беш соат емагин. Шифо ҳазмдодир. Яъни, осон ҳазм бўладиган миқдорингни егин. Нафсга ва меъдага энг оғир келувчи ва чарчатувчи ҳол — таом устига таом ейишдир”.

Абу Али ибн Сино.

## Абу Райҳон Беруний зикматлари

➤ *Ўз устагига эришишга тақдир ёрдам бермаган кишига маломат қилинмайди.*

➤ *Одамлар ёқтирган кишилари тарафини олиб, ёмон кўрган кишиларини таъна қилишади.*

➤ *Комил нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликини ҳам қабул этмайди.*

➤ *Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди.*

➤ *Кўз билан кўрган эшитгандан афзалроқдир.*

➤ *Тилларнинг турлича бўлишига сабаб — одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида бир-бирига эҳтиёж туғилишидир.*

➤ *Ҳайвонларнинг табиатларида қушандаларидан нафратланиш, душмандан ўзини қўриқлаш бор.*

➤ *Ҳасад билан ғазаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келса, тоза ва чиройли ҳаётларни хира ва кудуратли қилиб юборади.*

➤ *Ҳаддан ортиқ ғазаб ваҳшийлик келтиради ва бевақт қилинган лутф обрўни кетказади.*

Эркин АЪЗАМ:

«Муҳим гапни айтиш учун, аввало, кўнгилда шундай гап бўлиши керак»

Адабиёт... ўзим яхши кўрган, ҳаётимни бағишламоққа аҳд қилган соҳа. Тақдир бошқа бир йўлга солиб юборганида ҳам мен барибир усиз яшаёлмас эдим чоғи.

Адабиётнинг бугунги жамиятдаги ўрни ҳақида тўлиб-тошиб сўзламоқ қийиндир-ов. Адабиёт, умуман санъат ҳозирги кунда пул, манфаат дунёсига дуч келиб турибди. Бу балолар аралашган жойда чинакам адабиёту санъатдан сўз юритиш ортиқча.

Буллар ҳам замонга мослашсин. Ана, харидорғир китоблар пештахталарни тўлдирган-ку, демоқ бўлсангиз, каминангиз уларни адабиёт ҳисобламайди. Улар ёзувчилик даъвосида, адабиётга ўхшатиб, аслида бозор илинжида нардан-бери ясаб ташланаётган нимарсалар, холос. Ҳақиқий адабиёт намунаси бундай тезкадам, тезпишар бўлмайди, у дардли сўздан, тоза сўздан дунёга келади. Худо берган кунни эмас, худо ёрлаққан кунни!

Йўлдаги одамни (ёзувчини) шаклланиб бўлган, яъни манзилига етган дейиш мумкинми, айтиш? Ҳаёт уни йўниб, тоблантириб, чиниктириб бориши табиий ҳол. Бироқ йўнилавериб, сип-силлик бўлиб қолмадан сақланиш лозим. Ундай одамнинг қаламидан чиққан нарсалар ҳам ўзига ўхшаб сип-силлик бўладик, адабиётга бунинг сира даркори йўқ.

Мени асарнинг жанри эмас, унда эришилган бадий натижа кўпроқ қизиқтиради. Роман ёзгани билан одам ёзувчи бўлиб кетаверса қоши экан! Бошқаларни қўйиб буюк Чеховни олинг! Унга замондош бўлган нечачалари ўнлаб романлар ёзган, лекин бугун уларнинг номини ким билади, айтиш?

Битта “секрет”имни айтмайми? Мавжуд андозаларни унутиб, силогарчиликни йиғиштириб, воқеликни, қахрамонларингизни иложи борича аниқ, ростгўйлик билан тасвирлаб берсангиз, ўзи шундай чиқавради: кулгилироқ, ҳайратомуз... Бунда ўзингизнинг шахсиятингиз, таъб-дидингиз ҳам муҳим, албатта.

Кўп ўқиб-ўрганганим, ҳавас қилганларим рост, аммо сира бировга ўхшаб ёзганим келмайди. Ахир, ўзим-чи, мен ҳам одамман-ку, ҳеч кимга ўхшайман-ку, билганимча, қўлдан келганича ёзаверай-чи, деб уриниб ётавераман.

ЗЕВС ВА  
ИЛОН

Зевс тўй қилаётган эди. Ҳамма ҳайвонлар топганларини унга совға қилиб келтиришди. Илон ҳам гул тишлаган кўйи судралиб келди. Зевс илонни кўриб шундай деди: «Мен бошқаларнинг совғасини қабул қиламан. Аммо сенинг тишингдаги тухфани олмайман».

Масалдан хулоса шуки, ёмон одамларнинг яхшилигида ҳам хатар бор.

ЭЗОП  
МАСАЛЛАР

(Таҳминан  
миллатга аъдол  
640-560 йиллар)

БАЛИҚЧИ ВА  
БАЛИҚЧА

Балиқчи кун бўйи балиқ тутишга ҳаракат қилиб фақат кичкинагина Балиқчини тутибди.

— Ёлвораман, мени қўйиб юбор, — дебди Балиқча. — Мен ҳозир ейишнинг учун жудаям кичкиналик қиламан. Агар ҳозир мени дарёга қўйиб юборсанг, мен тезда ўсаман, кейин сен мендан ажойиб таом тайёрлайсан.

— Йўқ, йўқ, Балиқчам, — дебди Балиқчи, — мен сени ҳозир ейман, бундан кейин сени тутолмаслигим мумкин.

Қиссадан ҳисса: келажакдаги насия катта нарсадан кўра, қўлингдаги нақд кичик нарса афзал.

ТУЛКИ ВА  
ЭЧКИ

Бахтсиз тасодиф туфайли бир Тулки ўрага тушиб кетибди. У ҳеч ўрадан чиқишининг иложини қилолмабди. Бир пайт тепадан Эчки ўтиб қолибди. У Тулкидан пастда нима қилаётганини сўрабди.

— Эй, ҳали эшитмадингми? — дебди Тулки. — Яқинда қурғоқчилик бўлармиш, шунинг учун мен бу ерга сув борлигига ишонч ҳосил қилиш учун тушдим. Балки сен ҳам тушарсан?

Эчкига бу маслаҳат маъқул келиб, пастга сакрабди. Аммо Тулки тезлик билан унинг орқасига чиқиб, оёқларини унинг узун шохларига қўйибди-да, ўрадан чиқиб олибди.

— Хайр, дўстим, — дебди Тулки, — кейинги сафар эсингда турсин: ҳеч қачон ўзи мушкул аҳволда қолганнинг маслаҳатига қулоқ солма.

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА  
Наримон УМАРОВ  
Собир ТУРСУНОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Зухра БОТИРОВА

Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ  
Қодир ЖУРАЕВ  
Муҳаммад АЛИ  
Талъат МУРОДОВ  
Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Алишер МЎМИНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149);  
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-46-64 (146);  
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс;  
Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Рустам Аҳмадалиев.  
Навбатчи — Фулмонжон Хидиров.

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят ружсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolatgazet.uz / adolat\_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 роқами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ 100

ISSN 2093-5237



1 2 3 4 5 6